

## СОҒЛОМ АВЛОД МАЪНАВИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ МУҲИМ ОМИЛ СИФАТИДА

Рўзиев Б.Ў.

*Тошкент тиббиёт академияси*

Тез ўзгариб бораётган шиддатли замонда – ахборот асрида бефарқ ва бепарво бўлмасдан, аксинча, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик билан яшаш, жаҳоннинг турли ҳудудларида қайта бош кўтараётган фашизм, миллатчилик, шовинизм, диний ақидапарастлик ва терроризм каби хавфли балою иллатларга нисбатан муросасиз бўлиш, “оммавий маданият” кўринишларига қарши курашиш ҳақида бот-бот огоҳ этаётган сўзлар бугун шунчаки даъватлар эмас. Эндиликда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари шарофати туфайли инсон ўз уйида ўтирганича дунёнинг турли чеккаларида қандай воқеа-ҳодисалар юз бераётганини нафақат эшитиш, айтиш, айни чоғда кўриб-кузатиш ва ҳатто ўз муносабатини билдириш имконига эга. Президентимиз Ислам Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”<sup>1</sup>. Маънавият бу – ажодларни авлодларга, ўтмишни бугунга, бугунни эса келажакка боғловчи кўприк. У ота-боболаримиз тўплаган жамики яхши фазилатлар ва хислатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг мажмуи, қолаверса, ажодларимиз тўплаган тарихий-ижтимоий тажриба ва барча қарашларни ўзида мужассам этади. Инсон камолоти, эътиқоди ва юксак маънавияти ҳақида гап кетганда, ижтимоий муҳит ҳақида ҳам фикр юритиш жоиз. Чунки, қадимда ота-боболаримиз ўз фарзандлари тарбияси масаласига катта масъулият, жиддий эътибор билан ёндашганлар. Масалан, бола тарбияси билан асосан диний-дунёвий илм соҳасида оқила энагалар ёки илм-маърифатда катта обрў-эътиборга эга устоз-мураббийлар шуғулланган. Доно халқимизда “Куш уясида кўрганини қилади” деган ибратли сўзлар бежиз айтилмаган. Яъни, ҳар бир шахснинг ўсиб камол топишида у яшаган оила муҳити, устозлари ва мавжуд ижтимоий шароитлар муҳим ўрин тутаяди. Шундай экан, бугунги кунда жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш ва уларни етук баркамол авлод сифатида кўриш учун уларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириб боришимиз зарур. Зеро бу борада Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, “Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутушини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади”<sup>2</sup>. Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллик

1 И.А.Каримов Юксак маънавият – энгилмас куч. Тошкент.: Маънавият.2008 –Б.76-77.

2 И.А.Каримов.Ўзбекистоннинг ўз тараққиёти йўли. Тошкент.: Ўзбекистон, 2007. 30-бет.

тараққиёт йўлини кузатар эканмиз, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий соҳаларда тубдан янгилашни босқичларига асос бўлган бир қатор қонунлар, фармойиш ва қарорлар ишлаб чиқилиб, жамиятимиз ҳаётига татбиқ қилинмоқдаки, бугунги кунда кўз ўнгимизда ушбу ислохотларнинг яққол самарасини кўришимиз ва англашимиз мумкин. Шу билан бирга жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимида эскидан қолган турли тамойиллар ва қарашлардан воз кечган ҳолда ислох қилиш мақсадида муҳтарам Президентимизнинг бир қатор қарор ва фармойишлари, Олий мажлис сенати ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари ишлаб чиқилди. Бугун мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамият барпо этиш йўлидан дадил одимлаб бормоқда. Мустақиллик йилларида ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқариш борасида кўпдан-кўп ишлар амалга оширилди. Демократик жамиятнинг эркин муносабатлар негизини белгилайдиган, миллий тараққиётимиз талабларига тўла-тўқис жавоб берадиган Конституцияимизнинг яратилгани, кўплаб қонун ва норматив ҳужжатларнинг қабул қилингани, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, эркин фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнида ҳуқуқий маданиятнинг ўрни ва мавқеи беқиёсдир. Чунки, қонун устувор бўлган демократия шароитида ҳуқуқий маданият жамиятдаги мавжуд муносабатлар сифати ва моҳиятини белгиловчи асосга айланади. Ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият бир-бири билан боғлиқ тушунчалардир. Ҳар бир фуқаро ҳуқуққа, қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлса, ҳуқуқ ва қонунчилик устуворлигини тан олса давлатда тартиб, жамиятда ривожланиш бўлади. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир. Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди, деб ўйлайман”.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, бугунги кунда аҳолида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш борасида тўпланган тажриба асосида оддий ва самарали механизмлари ишлаб чиқилган-ки, бу ўз навбатида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданиятни тарғиб қилиш ўзига хос эволюцион босқичларни босиб ўтганлигини ку-

затамиз. Шу ўринда аввало, ҳуқуқий маданият тушунчасига таъриф бериб ўтиш ўринлидир.

Ҳуқуқий маданият бу – ҳар бир фуқарони аввало ҳуқуқий онгга, ҳуқуқий билим ва саводхонликка эга бўлган ҳолда, жамиятда ҳуқуқий муносабатларга киришишидир. Шунингдек, фуқароларнинг конституцияга ва турли қонунларга ҳурмат билан бирга, ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар орқали ёндашиши ҳам ҳуқуқий маданиятнинг маълум бир даражаси ҳисобланади.

Агар бу тушунчага илмий ёндашадиган бўлсак, фуқароларда ҳуқуқий маданияти шакллантириш учун аввало, уларда ҳуқуқий онгни шакллантириш зарурлигига дуч келамиз. Ҳуқуқий онг – инсонда ҳуқуқий маданият шаклланишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. Фуқаролар ҳуқуқий онгининг шаклланиши ва ривожланишига, уларда конституциявий-ҳуқуқий принциплар ва нормалар, ҳуқуқий муносабатлар, шунингдек, конституциявий жавобгарлик ҳақида тўғри тасаввур шаклланишига таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий онг – ҳуқуқни рўёбга чиқариш жараёнида, юридик муносабатларни ҳал этишда тартибга солиш вазифасини ўтайди. Шунингдек, ҳуқуқий онгнинг тартибга солувчилик роли ҳуқуқий нормаларнинг онгли равишда бажарилишида намоён бўлади. Жамият, ижтимоий гуруҳлар, шахс ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги даражаси қанчалик юқори бўлса, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот шунчалик мустаҳкам бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси хусусан ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда энг самарали усул бу – узлуксиз ҳуқуқий тарғибот олиб бориш десак, муболаға бўлмайди. Маълумки, жамият ва давлат ҳуқуқий сиёсатининг асосини ҳуқуқий тарғибот фаолияти ташкил қилади Аммо минг афсуски собиқ шўро тузуми ва бу тузум олиб борган сиёсат фуқароларда ҳуқуқий маданият у ёқда турсин, ҳуқуқий онгни шаклланишига ҳам шу қадар кескин таъсир ўтказганки, унинг асоратлари бугунги кунда ҳам ҳамон сақланиб қолмоқда. Жумладан, XIX-XX асрларда миршаб, пристав ва бошқа номларга эга бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини кўрганда, нафақат оддий фуқаролар балки, ўша даврларда маълум бир лавозимларда фаолият олиб борган мансабдор одамлар ҳам ўзларини олиб қочишган ёки улардан беркинишган. Нега-ки, ўша даврларда сабабсиз ва асоссиз қамаш, сўроқ қилиш ёки ўлимга ҳукм қилиш авж олган эди. Қолаверса, собиқ шўро тузуми ва ундан олдинги

даврларда ҳам суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳ қилиниши ўта зарур бўлган бир қанча омиллар мавжуд эдики, бу ўз-ўзидан фуқароларда ҳуқуқий онгни шаклланишига ҳеч қандай йўл қўймас эди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг суд-ҳуқуқ тизими бутунлай ислоҳ қилинди, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга катта эътибор берилди. Ана шундай улкан ислохотлардан бири – аҳолида ўртасида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини кучайтириб, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини янада ошириш бўлди десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказишда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг бевосита иштироки бу борадаги ишларнинг самарадорлигини янада оширади. Мазкур механизм нафақат ҳуқуқий тарғиботнинг самарасини оширади балки, фуқаролар билан ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасида билим ва тажрибалар алмашишига ҳам замин яратади. Натижада бу борада ҳанузгача сақланиб келаётган иллатлардан холос бўлиш билан бирга, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шаклланишида муҳим аҳамият касб этадиган натижаларга эришиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳуқуқий таълим ва тарбия ишларини жадаллаштириш, аҳоли орасида ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, қабул қилинаётган фармонлар, ҳуқуқат қарорлари, қонунларни одамларга етказиш, халқимизнинг ислохотлар моҳиятини теран тушуниб-англашига эришиш биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат пойдеворидир.

#### Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. / Ш. М. Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси.